

Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

✱ 1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan ✱ 2002 yil 23 avgust ✱ juma ✱ № 33 (372) ✱ sotuvda erkin narxda ✱

• Иқтисодиётда юксак самарадорликка эришиш, жамиятда қонун устиворлиги, демократия тамойилларини қарор топтириш, халқ учун фаровон турмуш шароити яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадидир.

Ислом КАРИМОВ.

ОКСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон мустақиллигининг илк йиллариданоқ Марказий Осиё ядро қуролидан холи зонага айлантириш йўлида изчил сиёсат юритиб келади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 1993 йилги сессиясида сўзлаган нутқида илк бор ушбу ташаббусни илгари сурганини эди.

1997 йили Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Минтақа давлатлари раҳбарлари мазкур ташаббусни бир овоздан қўллаб-қувватлади. Қолаверса, Президент Ислом Каримовнинг ушбу ташаббуси халқаро ҳамжамият, жумладан, БМТ, Европа Иттифоқи ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар томонидан маъқулланган. Давлатимиз раҳбарининг яқинда Японияга бўлган расмий сафари чоғида ҳам Кунчиқар мамлакат ҳукумати Ўзбекистоннинг минтақамизда қуролсизланиш йўлида

амалга ошираётган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Айни пайтда минтақамизни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш борасидаги шартномани тайёрлаш ишлари якуний босқичга кирган.

21 август куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош котибининг қуролсизланиш масалалари бўйича ўринбосари Жаянта Дҳаналала билан Оксарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувида ҳам ана шу масала суҳбатнинг бош мавзуси бўлди.

— Биз сизни нафақат БМТ Бош котибининг ўринбосари, балки ядровий қуролсизланиш бўйича йирик мутахассис сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан. — Минтақамиз хавфсизлиги ва барқарорлигини мустақамлаш йўлида БМТ томонидан амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатларни Ўзбекистон ҳукумати юқори баҳолайди. Айни пайтда

Ўзбекистон билан БМТ, шунингдек, унинг ҳузуридаги турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи барча ташкилотлар ўртасида ишончли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бу ишонч келгуси ҳамкорлигимиз янада самарали бўлишига замин яратмоқда.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, БМТ Ўзбекистоннинг тинчликпарварлик сиёсатини юқори баҳолаши ва кенг қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Суҳбат чоғида халқаро майдонда ва Марказий Осиёда ядровий қуролсизланиш борасида амалга оширилаётган ишлар, минтақамиздаги вазият, Афғонистондаги тикланиш тadbирлари, террорчиликка қарши кураш ва бошқа қўллаб-қувватлаш хусусида фикр алмашилди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид Тўраев.
(ЎзА) олган сурат

БАЙРАМЛАРНИНГ ГУЛТОЖИ

Ушбу шуқуҳли кунларда гўзал дийримизнинг қаерида бўлган, одамлар қалбида гурур, лабиди табассум балкиб турганлигининг гувоҳи бўласиз. Улар зўр ифтихор билан 11 йил ичида истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда юз берган ўзгаришлар ҳақида гапирмоқдалар. Қуйида айрим юртдошларимизнинг дил сўзлари билан танишасиз.

Машарип КУВОНОВ,
Хоразм вилояти Богот туманидаги «Богот» жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони:

Дунё узра бўйлаётган биз ўзлимизни англадик. Хозир қайга борманг, Ўзбекистон деган ном баралла янграмоқда. Демак, ўзбек ўзлигини, ўзини дунёга танитмоқда. Тенглар ичра тенг, хурлар ичра хур бўлиб майдонга чиқапти. Шунинг ўзи тенгсиз бахт, улкан саодат эмас-ми?!

Не-не кунларни кечирган халқимизнинг бошида мана 11 йилдирки, истиқлол қуёши порламоқда. Унинг сўнмас нурлари йўлларимизни нурафшон айлантипти. У ту-



файли биз Ўзбекистоннинг буюк келажаги сари дадил бораёلمиз. Демакки, биз эртанги кунимизга юксак ишонч билан қадамлар ташлаёلمиз.

Раҳима ҲАКИМОВА,
Самарқанд вилояти Самарқанд тумани ҳокими,
Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати:



— Тарихан ўтган қисқа давр, яъни 11 йил мустақил Ўзбекистоннинг тараққиётида жуда катта роль ўйнади. Жаннатмакон юртимизни дунё таниди. Энг илғор, энг буюк мамлакатлар биз билан ўзаро тенглик асосда ҳамкорлик қилишмоқда. Қанчадан-қанча қўшма корхоналар бунёд этилди. Уларда тайёрланаётган маҳсулотлар халқ фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Айниқса, деҳқоннинг елкасига офтоб теғди. У ўз ерининг ҳақиқий хўжайини бўлди. Эркин, самарали ишлаши, ўз меҳнатидан манфаатдор бўлиши учун имкониятлар яратилди. Ана шунларнинг натижасида туманимизнинг иқтисоди юксалиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги кўтарилди, маънавияти юксалди.

Абдусамд МАМАЖОНОВ,
«Фарғонадамаҳсулотлари» бош қорхонаси
раҳбари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона
вилояти Кенгаши биринчи котиби:

— Мустақиллик биз учун энг улғур, энг азиз, энг мўтабар байрам. 11 йилдирки, биз унинг қувончларидан баҳраманд бўлиб келямиз. Унга етишишимизни кимлар орзу қилмаган эди. Мана бугун уларнинг эзгу ниятлари рўёбга чиқиб, армонлари ушалди. Халқимиз мустақиллигининг 11 йиллигини катта шодоналар билан нишонламоқда. Меҳнат қилган элга байрам ҳам ярашади, деганларидек кун сайин ривожланиб, чирой

очиб бораётган жонажон мамлакатимизнинг бугунги эришган ютуқлари кўпчилигини ҳаяжонга солмоқда. Қайси соҳани олиб қарамайлик қандайдир ўзгариш, янгиланишларнинг самарасини кўряпмиз. Мана бу йил деҳқончилик учун қўлай келди. Фалла бўйича мамлакатимизда қувончли натижага эришилиб, ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 42 центнерга етказилди. Эндиликда улар қайта ишлаш корхоналари орқали ун маҳсулотига айлантирилиб, халқ-



имизнинг ризқу насибасини бугун айламоқда. Фалла мустақиллиги йўлида олиб борилаётган ишларнинг самараси туфайлидир бу.




Обид ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳридаги «Фарҳод» деҳқон бозори
хиссасдорлик жамияти раиси:

«Фарҳод» деҳқон бозоримизнинг умумий сатҳи 400-500 сотувчига мўлжалланган кичкинагина жой эди. Йилма-йил келаётган турли хил маҳсулотлар кескин кўпайгани туфайли савдо ўринларини илҳож борица кўпайтиришга ҳаракат қилляпмиз. Хозир бозоримизда 1100 савдо жойлари мавжуд. Улар ҳам етишмаётгани туфайли яна 1800 савдо жойларига эга бўлган қўлай павильонлар қўряпмиз. Бундан ташқари хизмат кўрсатиш шахоб-

чалари, умумий овқатланиш тармоқлари сони ҳам ортиб борапти. Хўш, бу ниманинг оқибати? Менимча, тўкинчилик, серобчилик, фаровонлик самараси. Буни эса, бизга истиқлол, мустақиллик берди. Шу туфайли ҳам уни ҳар қанча асраб-авайласак, эъозласак, шу кунларга етишишимизга раҳнамоллик қилган Юртбошимизга раҳматлар айтсак арзийди.

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ



Ўтган 11 йилда Марказий Осиё халқлари ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири, шубҳасиз, мустақиллик туфайли ва Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда автомобиль саноатида асос солинганлигидир. Зотан, бу воқеа ва унинг таъсири мамлакатимиз чегараларидан ҳам чиқиб, бутун Марказий Осиё давлатлари учун ҳам аҳамиятли бўлди. Ҳисоблаб кўрсак, Ўзбекистон йўлларида «Асака тойчоқ»лари гижинглай бошлаганига олти йил тўлмоқда. Ўтган олти йил ичида ўзбек автомобиллари нафақат Ўзбекистон ва минтақамизга, балки жаҳоннинг бошқа мамлакатларига ҳам чиқишга эришди ва энг қувончлиси, ҳар жиҳатдан ҳа-

ридорлар меҳрини қозонишга улғуриб бўлди. Бугун Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонда «бизнинг машиналаримиз»нинг олиб юргани, одамлар оғирини енгил қилаётгани одатий ҳолга айланди. Яқинда эса Россияда бўлганимизда хорижда ва Россиянинг автозаводларида ишлаб чиқарилган минглаб автомобиллар каторида олиб бораётган ўзимизнинг «НЕКСИЯ»лар кўзимизга шундай иссиқ кўринди-ки, кўнглимизда ифтихор туйғуси зоҳир бўлгандек бўлди.

СУРАТДА: юртимизнинг фахру ифтихори бўлган, жўнатишга шай қилиб қўйилган машиналар.

«АДОЛАТ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР «ИЛТИМОС, МУХБИР АКА, ХОДИМЛАРНИНГ ИСМИНИ ЁЗМАНГ»

(«Адолат» газетаси, 2002 йил 12 июль, № 27)

Юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилган бўлиб, унда Касби туманидаги Пахта тозалаш хиссасдорлик жамияти ва Нон ишлаб чиқариш очик хиссасдорлик жамиятидаги мансабдор шахслар камчиликлари яшириш мақсадида турли баҳоналар қилиб, мухбирга маълумот беришмагани ёзилган эди. Мақола юзасидан Касби тумани прокуратурасидан жавоб олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

Касби туман прокуратураси томонидан «Адолат» газетасининг 2002 йил 12 июль кундаги «Илтимос, мухбир ака, ходимларнинг исмини ёзманг» мақоласи юзасидан текшириш ҳаракатлари ўтказилди.

Аниқланишича, «Адолат» газетасининг мухбири К. Сахатов туман ҳокимининг иқтисодиёт ва статистика бўлими бош мутахассиси Зйётов Шўхрат ва биргаликда Пахта тозалаш очик хиссасдорлик жамиятининг ижтимоий соҳада қилинган ишлар, ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумот олиш учун боришганида жамият раиси бўлмаганлиги учун ушбу жамият ҳисобчиси Б. Мирзаев жамиятнинг фаолияти ҳақида маълумот бермаганлиги ҳам аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш қаломатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида «Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар қимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имониятини яратиб беришга мажбурдир», деб кўрсатилган бўлиб, юқорида қайд қилинган қонун бўлимидаги йўл қўймаслик ҳақида ҳар иккала жамият раислари Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддаси тартибиди ёзма равишда огоҳлантирилдилар.

Н. ПАРМОНОВ,
Касби тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси.

Қарор ижроси билан...

СОХТА ТАДБИРКОРЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Маълумки, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қатор қонунлар қабул қилинган. Булардан кўра тугилган мақсад ички бозоримиздаги товарлар ва хизматлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишдан иборатдир.

Албатта, бундай эътибор ўз самарасини бермоқда. Қисқа вақт ичида тадбиркорларнинг шундай бир синфи пайдо бўлдики, улар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот мўл-кўчилигини таъминлаш йўлидан бориб, рақобатбардош, харидоригар халқ истеъмол моллари ишлаб чиқармоқдалар.

Бироқ гуруҳ ичида кўрмаги бўлгани сингари ўзларини «тадбиркор» деб ҳисоблайдиган айрим «учарлар» турли арзон ва сифатсиз, усти ялтироқ, ичи қалтироқ маҳсулотларни қингир йўллар билан келтириб, ички бозорни шундай маҳсулотларга тўлдириб ташламоқдалар. Ачинарлиси шундаки, шу пайтга қадар улар мавжуд қондаларни бузган ҳолда гайриқонуний, контрабанда йўли билан сифатсиз моллар олиб келиб, соғлиқ тўламаган бўлсада, ҳеч бир жавобгарликка тортилмай келишга қўл эришган.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори фикримча ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди.

Маълумки, одатда маҳсулот қаерда ишлаб чиқарилишидан қатъий назар, унинг аҳоли учун ҳар жиҳатдан юқори сифатли, истеъмол талабига «эга бўлиши ва ушбу товарлар сифатлигини тасдиқловчи сертификат ва бошқа ҳужжатлари бўлиши шарт.

Шуларни ҳисобга олиб, туман прокуратураси тезкор ходимлари, ички ишлар, прокуратура ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими, давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳамкорлигида маҳсулот ишчи гуруҳи тузилиб, амалга оширилаётган ишларнинг чора-тадбирлари белгиланди, уларни ўз вақтида аниқ ва тўлиқ бажарилиши назоратга олинди.

Айни пайтда туман ҳудудига сифатсиз, қалбаки товарлар олиб қилиниши ва савдога чиқарилишига йўл қўймаслик мақсадида ички ишлар бўлими, давлат солиқ инспекцияси, солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими, санитария-эпидемиология станцияси маъсул ходимлари билан алоҳида ўқув семинарлари ўтказилди. Ҳар бир ходимга Вазирлар Маҳкамаси қарорининг маъно-мазмунини қайта-қайта тушунтирилди. Улардан ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиб, халққа астойдил хизмат қилишлик талаб қилинди.

Натижада қисқа вақт ичида ўндан ортиқ «сохта тадбиркор»ларнинг қилинишлари фош этилди.

Айниқса, «Мингчир» ИПХ маскани-

да ўтказилган текширишлар тасдиқловчи ҳужжати, сифат ва хавфсизлик бўйича сертификатлари бўлмаган маҳсулотларни олиб ўтишга уриниш ҳоллари юз бераётганлигини кўрсатди.

Бундай маҳсулотлар орасида аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги ҳақида бирор бир қарор бўлмаган турли хил ичимликлар, дори-дармонлар, қандолатчилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари борлиги нисбатан ачинарлидир.

Хусусан, «Мингчир» ИПХ масканида ўтказилган текширишлар Қарши шаҳар, 6-митти тумани 1/13-уй, 14-хонадонда яшовчи фуқаро Окқўзиева Марзия фуқаро Боқиева Шавкат бошқарувидаги «Нексия» русумли 18Д9574 давлат рақамли автомашинада чет элларда ишлаб чиқарилган жами 377000 сўмлик дори-дармонлар ноконуний равишда номаълум шахслар сотиб олиб, Тошкент шаҳрида сотиш мақсадида олиб келатган экан.

Текширишлар М. Окқўзиева олиб ўтмоқчи бўлган ушбу дори-дармон таркибида психотроп моддаси борлигини кўрсатди ва унга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Халқ савол тугилади. Нима сабабдан бу аёл «маҳсулотлар»ни Қарши шаҳридан Чирчиқ тумани, Самарқанд вилояти орқали яқин йўл билан эмас, Яқабғол, Шаҳрисабз, Китоб туманлари орқали узок йўлни танлаб Тошкент шаҳрига сотишга олиб бормоқчи. Уларни қаердан олган? Нега ҳужжатлари йўқ?

Албатта бу саволларга тергов жараёнида жавоб топилади ва аёл қонун ола-

дида жавоб бериб, тегишли жазосини олади.

Ҳурматли Президентимиз Ислам Каримов 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишлаб қилган маърузаларида: «Бир нарсани аниқ-равшан айтиш керак – биз чет элларга бориб, мол олиб келадиган, майда тижорат билан шуғулланадиган фуқароларнинг фаолиятига мутлақо қарши эмасмиз. Лекин бундай фаолият қабул қилинган қонун-қоидалар ва тартиблар доирасида олиб борилиши тарафдориман», деган эдилар.

Шундай экан, тадбиркорлик ҳамда майда тижорат билан шуғулланадиган фуқаролар фарибгарларнинг қўлида уйинчоқ бўлиб қолмасдан чет эл фирмаларидан товарларни харид қилганда маҳсулот яроқчилигини тасдиқловчи ҳужжати, сифат ва хавфсизлик бўйича сертификатлари бўлиши шарт эканлигини билишлари лозим.

Дарвоқе, тадбиркорлар учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиб бериш хамиша туман прокуратурасининг диққат марказида турибди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектлари тадбиркорлар, деҳқон ҳамда фермерлар фаолиятига тўққонлиқ қилаётган иллатларга барҳам беришга, уларнинг фаолиятига ғайриқонуний аралашшига асло йл қўйилмайд.

Етарлича иқтисодий ва ҳуқуқий билимга эга ҳар бир тадбиркор йўлларидаги ҳар қандай тўсиқни прокуратура ходимлари ёрдамида бартараф этиши мумкинлигини аллақачон билиб олишган ва керакли пайтда бизга мурожаат қилишади.

Бироқ бугунги кунда биз ўрта ва кичик бизнес, майда тижорат билан шуғулланадиган ҳар бир фуқародан амалдаги қонунларга сўзсиз бўйсунини талаб ҳам қиламиз.

Юқорида биз туманнинг биргина «Мингчир» ИПХ масканидаги қонунбузилишлар ҳақида озгина сўз юритдик. Кимлар учун оддий холдек туюлиши мумки. Аммо, гап – инсон соғлиги ҳақида борар экан, бу борадаги ҳеч бир қоидабузарлиқни оқлаб бўлмайди.

Аҳолининг жисмоний, иқтисодий манфаатларига хизмат қилмайдиган тадбиркорни биз тадбиркор деб айта олмаимиз. Айниқса, бу халқ саломатлиги масаласига дахлдор бўлса...

Хусан СОБИРОВ,
Қашқадарё вилояти
Китоб тумани прокурори.

Прокурор минбари

Биз ҳуқуқий демократик давлат қураёмиз. Қонун устувор бўлган жойда тартиб-интизом, ривожланиш, адолат бўлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жамоалари ҳуқуқ муҳофазаси бўйича ўз олдидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш йўлида масъулият ҳисси билан фаолият кўрсатмоқдалар.

Қўқон шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Баҳодир САИДОВ билан суҳбатимиз жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида бўлди.

– Баҳодир Нўҳмонович, суҳбатимизни прокуратуранинг бугунги кундаги фаолиятидан бошласан.

– Айтинг-чи, ўтган ойлари иш якунлари нимадир кўрсатмоқда?

– Жиноятчиликка қарши курашнинг ҳар доимгидек қизғин паллага қираётганлигини, жиноятчиликнинг олдини олишга талабнинг янада кучаяётганлигини. Қўқон шаҳрида шу йилнинг 6 ойи мобайнида умумий жиноятчилик 584 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагидан 18 тага камайган. Оғир турдаги жиноятлар, давлат мулкни ўғирлаш, шахсий мулкни ўғирлаш, уйлари ўғирлаш камайди. Шунингдек, бошқа жиноят турларининг ҳам камайганлиги кўзга ташланди. Масалан, босқинчилик жинояти содир этилмади.

– Демак, ҳуқуқ-тартибот идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигидаги ишлари тўғрисида умумий жиноятчилик камайган...

– Албатта. Лекин, бундан хотиржамлик кайфиятига тушиб хатолик бўлади. Гарчанд умумий жиноятчиликнинг камайишига эришилган бўлса-да, аммо унда оғир бўлмаган жиноятлар 6 тага, ўта оғир жиноятлар 11 тага ўсди. Ташвишланарли жойи шундаки, профилактика нозирлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам эмаслиги, фуқаролар ўртасида етарли даражада тушунтириш ва ташвиқот ишлари олиб боришмаслиги оқибатида соғлиққа қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш ишларидан қониқиб ҳосил этиб бўлмайди. Қўқон-қўшнлар, таниш-билишлар, қариндош-уруғлар ўртасидаги низо ва ўзаро келишмовчиликларнинг ўз вақтида

бартараф этилмаслиги боис қасддан баданга оғир шикаст етказиш 11 тадан 14 тага, енгил тан жароҳати етказиш 24 тадан 52 тага кўпайди. Бу эса жиноятларнинг олдини олиш борасидаги ишларни янада яхшилаш лозимлигини кўрсатади.

– Кейинги пайтларда гиёҳвандлик, бу иллат билан боғлиқ жиноятлар ҳақида тез-тез гапирилаётган бўлиб қолди. Бу ҳақда сиз

шаҳарга кириб келишининг олдини олиш энг муҳим вазифаларимиздан, деб ҳисоблайман.

Шу йилнинг 4 март кунини Тожикистон фуқароси, 1970 йилда туғилган Э. З. ва унинг укаси 1974 йилда туғилган, муқаддам судланган Н. Э. лар 657,5 грамм «героин» моддасини 3200 АҚШ долларига сотмоқчи бўлганида ҳуқуқ муҳофазаси идоралари ходимлари томонидан қўлга

билмасликлари ҳам жиноятлар содир бўлишининг кўпайишига сабаб бўлаётди. Ҳудуд нозирлари ва жиноят қидирув бўлини маси ходимлари ҳам камчиликлардан холи эмас. Тезкорлик етишмаслиги тўғрисида жиноятларни бартараф этиш, уларнинг олдини олишда кенг жамоатчилик билан баҳамжиҳат иш олиб борилаётган. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар, бойлик орттириш мақсадида уни сотишни касб қилиб олган виждонсиз шахсларга нисбатан назорат сусайтириб юборилган.

Шу йил 18 июль кунини 27-мактаб биноси ортида ётган йигитнинг ўлиб ётганлиги ҳақида прокуратурага хабар келди. Иш юзасидан суриштирув ишлари олиб борилди. Йигитча Муқимий шаҳарчасидаги уйлاردан бирида истикомат қилувчи воёга етмаган М. И. экан. Бу ёш йигит гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишга ўғаниб қолган. Бу оғу эса оғир-оқибат ўн гулдан бир гул очилмаган йигитчанинг оламдан беватқ кўз юмишига сабаб бўлган.

Ёшлар – бизнинг келажғимиз. Орзу-умидимиз. Улар ҳар жиҳатдан баркамол воёга етишлари учун мамлакатимизда беш авлодга катта ғамхўрликлар қилинган. Лекин, билиб-билмай гиёҳвандликка рўж қўйиш инсонни, айтканса, ёшларнинг гулддек умрини хазон қилган. Отаси, фарзандлари гиёҳванд бўлиб қолган оилалар ҳам бор. Улардан нимами кутини мумкин? Лекин оғуфурларни бу нарсга қизиқтирмайди: улар ўзгаларни заҳарлаб бўлса ҳам, бойсалар бас. Шу боис ҳам гиёҳвандлик моддалар сотувчиларга қарши кураш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари балки ҳар бир соф виждонли инсоннинг бурчи-га айланмоғи керак.

Шаҳар прокуратураси, ҳуқуқ-тартибот идоралари бундан кейин ҳам жамоатчилик ёрдамига таянган ҳолда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш борасида бор имкониятларидан фойдаланаврадилар.

Суҳбатдош:
Ҳазратилло РЎЗИЕВ,
«Адолат» мухбири.

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОВАР

нинг фикрингиз?

– Шу саволни кутган эдим.

Унга кенгрок тўхталишимга тўғри келади. Ўта оғир жиноят ҳисобланган гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар гарчи камайган бўлса-да, 120 та ана шундай жиноят содир этилди. Шундан 18 таси гиёҳвандлик моддалари сотиш, 102 таси уларни истеъмол қилиш жиноятларидир. Бу жиноятларга қўл урганларнинг 112 нафари эркаклар, 8 нафари аёллардир. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этганлардан жами бўлиб 2381 граммдан ортиқ героин, 117 граммдан ортиқ «гашиш» ва марихуана гиёҳвандлик моддалари олинган. Ушбу гиёҳвандлик моддалари шаҳар ҳудудига қўшни республикалардан, кўпроқ ҳолларда Тожикистон Республикасидан кириб келиши кузатишмоқда. Ўзбекистон, Бешарик, Данғара туманлари айнаш шу республика ҳудуди билан чегарадош эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу туманлар ИИБ билан ҳамкорлиқни кучайтириб, бу «оғу»ларнинг

олиниб, уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Яна бир мисол: шу йил 10 апрель кунини Тожикистон фуқароси, 1981 йилда туғилган З. Х. қўқонлик М. А. билан жиноий тил бириктириб, 4,7 грамм «героин» моддасини сотмоқчи бўлган вақтида қўлга олиниб, уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Ярим йиллик таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, шаҳардаги 3-маъмурий ҳудудда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар бошқа ҳудудлардагидан кўра кўпроқ содир этилмоқда.

Бу ердаги аҳолининг ёмонлашуви ҳудуд инспектори хизмат самарадорлигини таъминлай олмаётганлиги билан бир қаторда, ўз ишини назорат қилишни ҳам бўшашириб юборгани сабаб бўлмоқда. 31, 40-маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ҳам гиёҳвандлик моддаларини сотиш ҳолатлари кўпайиб учрамоқда. Шуниси ташвишланарлики, маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллар ўз ҳудудларида яшовчи фуқароларнинг шарт-шароитлари, яшаш тарзлари, оилалардаги муҳит қай аҳволда эканлигини яхши

Республиканинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

Ўз акциядорларини ва мижозларини, бутун Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган
Мустақиллигимизнинг 11 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади!

Шу муносабат билан 2002 йил 20 августдан
эътиборан 10 сентябрга қадар 6,5 ой муддатга
қабул қилиниб, йиллик 50 фоиз даромад
тўланадиган, манфаатли ва қулай бўлган

«МУҚАДДАС ЗАМИН»

муддатли жамғарма омонат туруни

ПАКЛИФ ЭПАДИ

Сиз, ушбу омонатга бўш пул маблағларингизни «Пахта Банк»-нинг исталган бўлимида қўйишингиз ва омонат шартларига кўра фоизли даромадингизни биринчи бор 45 кун тўлиши билан, кейингиларини эса ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.

Маълумот учун
телефонлар:
78-10-32,
173-25-56.

«ПАХТА БАНК»
Сизларга соғлиқ,
хушайфият ва
оилавий қувонч
тилайди!

«ПАХТА БАНК» –
ФАРОВОНЛИГИНГИЗ
КАЛИТИДИР!



Мустиқиллик шарофати

«Хўжайкон» тузи

У фақат ош тузи сифатида эмас, балки даволаш мақсадларида ҳам ишлатилади

Биз ўтирган машина кун ботар тарафга қайрилганда кўзимиз оқ мармардек жилайди турган тоғ қояларига тушибди. Улар худди арчиб қўйилган туҳуннинг ўғинисидек эди.

— Туз тоғи бу — деди «Хўжайкон» туз кони касба уюшмаси раиси-Екубжон Давлатбеков бизга тушунтирибди. Унда ҳеч қандай ўсимлик учмайди. Тоғ-туз қисмларидан ташкил тоған. Қаранглар, туз тошлар, қатлам-қатлам, гўёки уни биров атайлаб тах-лаб, териб қўйгандек. Оқ-қизил, қизил-оқ, қатлам-ибораб. Биз хўжайконликлар ризку-насибамизни, кадр-қимматимизни, шодлиқларимизни шу заминдан топдик.

равари микродорада ёрдам пуллари берилди. «Қариялар» ни кадрлаш йили» муносабати билан 150 кишига 8 минг сўмдан ёрдам пули тақ-қатилди. 50 кишига энг кам иш ҳақининг 10 баробари микродорада моддий ёрдам берилди.

Жамоада меҳнатни ташкил этиш намунали йўлга қўйлаётганидан биз ҳам қувондик.

Хозирги кунда Сурхондарёнинг «Хўжайкон» туз кони ишлаб чиқарган маҳсулот мамлакатимиз савдо дўхонларидан сотишмоқда.

Завод ишчиларининг руҳи баланд. Бу йил «Осб» тараккият банки, «ЮНИСЕФ» бо-лалар фонди томонидан республикамизга 1 миллион 200 минг АКШ доллари мик-родорада ёрдам кўрсатилди. Бу мурувватдан «Хўжайкон» туз кони хиссдорлари ҳам маънафатдор бўлишди. Жум-ладан, 3 тонна калий йоди, 2 дон «Клотра» номли туз кадокловчи мосламас оли-надиган бўлди. Бундан таш-кари 1100 минг тонна ош ту-зи ишлаб чиқарувчи жи-хоз тендер асосида жорий этилди.

Корхонада ёрдамчи хўжа-лик ташкил қилинган. Жум-ладан, 13 гектар ерда бог яратилди. 100 бош қўй-эчки, 75 бош қармоқ парвариш-ланяпти. Энди ишчилар дастурхони ўзларида ишлаб чиқарилган турли мева-лар, сут-қатик, гўшт билан бе-за-лади.

Туз конининг келажаги порлоқ. Бунини намуна-ли ташкил этилганидан, одамларнинг гулгун чеҳра-ларидан аңгласа бўлади.

Турсун МАХМАДАЛИЕВ, «Адолат» мухбири.

ШЕЪРЛАРИМ — МЕНИНГ ҲАЁТ КИТОБИМ

Ой ёнида бир юлдуз
Жилва қилар ибони.
Узоқ қолмас афсус,
Тонг висолнинг заволи.

Кўёш ёнса ҳар кундуз,
Осмон ғариб ва мискин.
Гўё Ойдек беюлдуз,
Дилим қўмсайди таскин.

Тунда юлдуз базмида,
Дилдан андух йироқда.
Афсус тонгнинг азияда
Қолар бўлдиқ фироқда...

НАМОЗ ИЛА

Намоз ўқиб энгил руҳим,
Хаёл-фикрим фазоларда.
Ғафлат босмас дилим
бир зум,

Жисмим қолмас
жазоларда.

Намоз ила Тангрим
берган,

Неъматларга шукр,
дейман.

Ҳалолликдан ризқин
терган,

Инсон элга манзур,
дейман...

Намоз ила юзларда нур,
Дилда сурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

Намоз ила дилда ҳузур,
Йймон, гурур бўлар

«Адолат» меҳмони

ШЕЪРЛАРИМ — МЕНИНГ ҲАЁТ КИТОБИМ

Абдул Ҳамид Хўжазода — Тошкент автомобиль йўллар институти профессори Ҳамид Ҳасанович Тиллаевнинг адабий таҳаллушидир. Ўттиз йил давоми-да, яъни мазкур институт очилган кундан буён талаба-ларга олий ва амалий математикадан сабоқ бериб ке-лади.

У илмда ўз соҳаси бўйича, хусусан, математика, астрономия фанлари тарихи, шунингдек, педагогика назарияси ва тарихи бўйича салмоқли тадқиқотлар яратган олимлардан бири, педагогика фанлари докто-ри, профессор ва академик. Шу кунларда Ҳамид ака Тошкент автомобиль йўллар институти «Хисоблаш тех-никаси ва информатика кафедраси мудири. «Инфор-матика ва информатсион технологиялар» муаммолари-га оид жиддий илмий услубий тадқиқотлар билан машғул.

Абдул Ҳамид Хўжазода нозиктаб, анчайин эъти-борли шоирлар сирасига кирази. Унинг чуқур маъно-ли, мағзи тўқ, донишмандона салоҳият билан битган шеърлари шундан нишона. Қуйида шоир ижодидаан ай-рим намуналар билан танишасиз.

Бариси чин, рост, эмасдир эрмак,
Шеърларим — менинг
ҳаёт китобим,
Ортимдан янграб қолган
хитобим...

Шеърят менга улуг бир
ҳавас,
Ёзганим ўқиб, эсласалар
бас...

МАНМАНЛИК
ЗАВОЛИ
Худо унга овоз берди,
Қўларига тор-соз берди.
Шону шухрат осмонда

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Шеърларим менинг
насихатларим,
Келажак учун ёзган
хатларим.
Баъзида юрак асрорим
улар,
Илҳом париси берган
туйгулар.
Шеърларим менинг
шукронам дема,

Ҳамкорлик

Европа банки — КИЧИК

ТАДБИРКОРЛАРГА

Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки «Пахтабанк» акция-дорлик тижорат бан-ки ҳамда «Узўйжай-жамгармабанк» дав-лат акциядорлик бан-кининг Самарқанд бўлими билан ҳамкорликда Ўзбеки-стон Республикасида кичик тадбиркорлик-ни кредитлаштириш дастурини амалга оширмақда.

Шуни алоҳида таъкид-лаш жоизки, бу дастур республикамизнинг Тош-кент ва Фарғона вилоят-ларида аллақачон ўз сама-раларини бера бошлаган эди. Энди эса самарқанд-лик кичик тадбиркорлар Европа банки кўмағида бизнес ва савдо-сотиқ иш-ларини йўлга қўядиган бўлишди.

Тасдиқланган режага асосан ҳар бир мижозга 10 минг долларгача кредит ажратиш мўлжалланган. Бу маблағга яқна ва ҳусусий тадбиркорлик билан шу-гулланаятган кишилар чет-дан истеъмол бозори учун зарур мол маҳсулотлари олиб келадилар. Ёки ке-ракли хизматларни йўлга қўйиб оладилар.

— Ҳозир Сибё бозори ҳудудига да бевосита бўлишимиз қошида иккита минни банк очганимиз, — дейди «Пахтабанк» вилоят бўлими бошлиғи Бадрид-дин Насриев. — Мақсад мижозларга тез ва қулай хизмат кўрсатишдан, улар-ни ортқча овозгарчилик-лардан ҳалос этишдан иборат.

Зоҳир ТўРАКУЛОВ, «Адолат» мухбири.

«БАРҚАРОР

ТАРАҚҚИЁТ Йўлида»

Куни кеча «ЭКО-САН» халқаро жамгар-маси ва Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси ҳузу-ридаги Гидрометеоро-логия Бош бошқар-маси «Бугунги куннинг глобал муаммолари: иқлим, сув ва атроф-муҳит» мавзусида давра суҳбатини ўтказди.

Унда минтақавий ва глобал иқлим ўзгариш-лари натижасида кейинги пайтларда кузатилаётган экологик муаммолар, Евро-па мамлакатларидаги сув тошқинлари каби ма-салага кўпроқ эътибор қаратилди.

Учрашувда ушбу муам-молар билан шуғуллану-чи таниқли экологлар, кли-матологлар, метеоролог-лар иштирок этишди ва иқлим ўзгаришининг ан-тропоген ва табиий сабаб-ларини таҳлил қилиб, ҳаво ҳарорати кўтарилиши бил-ан боғлиқ бўлган эколог-ик муаммолар, уларнинг ечимини топиш йўлларини кўриб чиқдилар.

Дилафрўз АБДУРАХМОНОВА, «Адолат» мухбири.

СЕРТИФИКАТЛАР

ТОПШИРИЛАДИ

Ўзбекистон давлат жахон тиллари уни-верситетида ахборот технологиялари ва интернет бўйича мах-сус курс тингловчилар-га сертификатлар то-пиширилади. Мазкур курс Корея республи-касининг ахборот ва коммуникация вазир-лиги билан ҳамкор-ликда корейлик мута-хассислар томонидан ташкил этилган.

Мазкур курсда Жахон тиллари университетининг педагог ўқитувчилари ва 40 нафар талабалари компютер асослари, интернет билан ишлаш ва веб сайт тузиш бўйича ўқитилди. Дарсларни Кореядан кел-ган юқори малакали мута-хассислар олиб боришди.

Корея ахборот ва ком-муникация вазирлиги уни-верситетга бир неча дис-клад, компютер билан иш-лаш учун турли дастурлар ва ўқув қўлланмаларини беғариз ёрдам тарзида топишди. Қўрсатилган та-момларга талабаларга ко-рейяликлар томонидан мах-сус сертификатлар ва эс-далик совғалари топиш-рилди.

«Туркистон-пресс»

Дўстобод чирой очмоқда

Қуйи Чирчиқ тумани ерлари Окқўрган тумани би-лан чегарадош, Собик иттифок тузиими даврида ай-рим турларнинг ҳоҳиш-ирадидан билан иккита туман бир неча бор қўшилиб, бир неча бор ажратилган. Ҳар гал қўшилганда Окқўрган шахри марказ қилиб белгиланган.

Шунинг учун маъмурий бинолар ҳам, маданий-маи-ший ишхоналар ҳам, ўқув-тарбия марказлари ҳам асосан Окқўрган тумани марказида қурилган. Ҳатто икки тумани боғловчи кўприк бўлмаганлиги туфай-ли у ердан-бу ёққа бориш учун 28 километр йўлни айланиб ўтишга тўғри келган.

Истиқлол шарофати билан қуйи Чирчиқ тумани мана бир неча йилдирки мустиқил туман сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, сут-гўшт ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқараяпти. Аммо илгирилари туманга иккинчи даражали ҳудуд сифатида қарал-ганилиги ўз самарасини кўрсатиб қолмади. Ерлар-нинг мелiorатив ҳолати ёмонлашди. Саноат корх-оналари, йирик маданий-маиший, маъмурий бинолар қурилмади.

Раҳбарлар алмашиша-верди. Улар ўзларини ту-манда омонат санаганлик-лари сабабли бирор ишга жиддий киришмадилар. Туманга бундан қарийб 4 йил аввал Жаҳонгир Фай-зиев ҳоким бўлиб келдию ҳамма ишларда ижобий томонга ўзгаришлар юз бера бошлади.

Ҳоким дастлаб эътибор-ни ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга қаратди. Хўжаликларнинг моддий-техника базаси мустиқамланди. Меҳнат-



кашларни моддий ва маъ-навий рағбатлантириш, уларга яхши ишларни ва мириқиб дам олишлар-ни учун шароитлар яра-тилди. Одамлар ўзлари ҳақидаги гамхўрликни ҳис этиб, янада яхшироқ, са-маралироқ ишлаб бошла-дилар. Натижада бир неча йиллардан бери қолдиқ-қолдиқда тушиб қолган па-тахчиликда ўзгариш юз берди.

Қуйи Чирчиқ тумани заарунослари 2001 йилда узоқ муддатли таърифус-дан сунг пахта тайёрлаш режаси адо этилганлиги ҳақидаги ғалаба рапорти-га имзо чекдилар. Одам-ларнинг даромади ортди, хўжаликларнинг иқтисоди-юксалди.

Бу йил эса, туман деҳ-қонлари дон етиштириш ре-жасини Тошкент вилоятида биринчи бўлиб баҳарнишга муваффақ бўлишди. Агар ҳозир Қуйи Чирчиқда бўлсангиз кўпчилик ҳоким Жаҳонгир Обидовичнинг ту-ман иқтисодиётини ҳар то-монлама юксалтириш, унинг чиройига чирой қўшиш бо-расидаги сая-ҳаракатлари-ни оғзидан бол томиб гапи-раётганининг гувоҳи бўла-сиз.

Дарҳақиқат, сўнгги пайт-да туман маркази анча гузаллашди. Янги-янги бино-лар қурилди, кўприклар со-линди, дам олиш масканла-ри, спорт-соғломлаштириш комплекслари, ўқув юр-тлари қад ростлади. Хиёбонлар барпо этилди.

дан ташкари шу йил май ойида қуриб фойдала-нишга топширилган «Са-ховат маркази» ишидан барча намафатдор. Бу ерда узоқ йиллар ишлаб, юрт қорига яраган қария-лар бепул даволашиб, дам олмақдалар.

Ҳоким туман аҳолиси-ни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланиши-ни каттик назорат остига олган. Кейинги уч йил мо-байнида Қуйи Чирчиқда 42,1 километр газ, 16,6 километр сув тармоқлари қурилди. Шундай қилиб, газ таъминоти 84 фоизга, ичимлик сув таъминоти эса 91 фоизга етди. 37 та савдо, 22 та маиший хизмат, ҳажми 330 квад-рат метр бўлган умумий оватқилиш шохобчалари бунёд этилди.

Ҳа, Қуйи Чирчиқ тумани худуди, айниқса, унинг маркази мустиқиллик ша-рофати билан кун сайин чирой очиб саховатли дегирга, сўлим масканга айланиб бормоқда. Биз ҳам туман раҳбарларига, унинг аҳолисига ўз ерла-рини боғу-бўстонга ай-ланттириб, янада чирой очиши йўлидаги эзгу иш-ларига катта муваффақи-ятлар тилаймиз.

Каримжон РИХСИЕВ, «Адолат» мухбири.

ЧЕЧЕНИСТОНДА ВЕРТОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

Миналаштирилган майдонга қулаб тушган вер-толёт ичидagi ҳарбийлардан юздан ортиғи ҳалок бўлди. Бу Чеченистонда олиб борилаётган уруш да-вомидagi энг катта йўқотишдир.

Ўтган душанбада бўлиб ўтган ушбу ҳало-кат Россиянинг куруқ-ликдаги қўшинлар авиа-цияси тарихидаги энг даҳшатли ва йирик ҳало-кат ҳисобланади. Шу йил 19 август соат 16 дан 55 минут ўтган-да Чеченистоннинг Хон-кала шахридаги феде-рал қўшинларнинг асо-сий ҳарбий базасига яқинлашган «МИ-2» ҳарбий-транспорт вер-толёти ерга қулаб туш-ди.

ЯНА ЎША БЕН ЛАДЕН

Маълумки, кейинги пайтда Америка Қўшма Штатларининг бош рақиб бўлиши Усома Бен Ла-денни оммавий ахборот воситаларида ҳам, рас-мий доираларда ҳам эсламай қўйишганди.

Лекин шу ҳафта боши-дан ҳар кун Американинг «Си-эн-эн» телекомпания-си Бен Ладен тасвирлан-ган видеотасмаларни на-мойиш эта бошлади. Ви-деотасвирларнинг кўпиди бош террорич ўз яқинла-ри, ҳаммаслақлари, қўри-қилари билан намоён бўлади.

Ушбу видеотасмаларни телекомпания мухбирлари-дан бири Афғонистондан олиб келган. Уларнинг ҳамми сони 64 та. Би-би-си агентлигининг хабар б

